

Зино ва фаҳшга йўлиққанларнинг сўзлари ва уларга жавоблар (йигирма бешинчи мақола)



15:00 / 07.12.2020 5036

Зинокор ҳайдовчи:

Касбим сабабли турли ҳил инсонлар билан мулоқотда бўламан. Баъзида машинамга ўтирган аёллар менга кўз сузишади. Лекин мен уларни айтган жойларига олиб бориб қўяр ва уларга эътибор бермас эдим. Ўзим ҳам бошқа аёлларга йўлда кетаётганда зарурат бўлмаса гапирмас эдим. Мен диндор инсонман, беш вақт намоз ўқийман. Диний китобларни ҳам мунтазам ўқиб тураман.

Бир куни олдида кўп юклари бўлган келишган аёл машинамни тўхтатди. Уни манзилига олиб бориб қўйишга рози бўлдим ва юкларини машинанинг юкхонасига ортиб олдим. Йўл давомида у баъзи нарсаларни сўради, мен

жавоб бердим. Сўрамасам ҳам ўзи ҳақида бироз гапирди. Манзилга етгач йўл ҳаққини тўлади ва юklarини олиб кириб беришимни илтимос қилди. Мен юklarини ошхонагача олиб бориб берганимда, кўзимиз бир-биримизга тушди. Унинг қараши «сени хоҳлайман» дегандай қараш эди. Шунда бирдан ҳаёлим ўзгарди, ҳиссиётга берилиб кетдим. У: «эшикни қулфлаб келаман» деди. Эшикни қулфлаб келгунича ўзимни қўлга олсам бўлар эди, аммо бўлмади. Шаҳват мени бутунлай енгиб бўлган эди...

Ҳозир ҳам шу каби ҳолатларга тушиб қолай дейман. Ҳатто ёшроқ, қадди-қомати келишган аёллар машинамни тўхтатмоқчи бўлсалар тўхтамай ўтиб кетаман. Банда аввало Аллоҳдан уялиши керак.

Жавоб: Касб қилиш, оила тебратиш Исломда юксак баҳоланган амаллардандир. Агар оила тебратиш мақсадида бўлган киши гуноҳ қилмаган ҳолда шу ҳаракатларини Аллоҳ розилиги учун қилса, унинг тирикчилик йўлида қилган ҳар бир иши ибодатга айланади. Сиз ҳам касб йўлида бўлгансиз. Лекин бўлиб ўтган воқеада икки мудҳиш хатоингиз бор:

1. Номаҳрам аёлнинг уйига кирганингиз.
2. Аёл эшикни қулфлаб келгунича ўзингизни қўлга олмаганингиз.

Зино ва унга олиб борувчи йўллар ҳаром эканлигини билар экансиз. Ёш, қадди-қомати келишган аёлларни ёнларида маҳрами бўлмаса тўхтамай ўтиб кетишингиз ҳам мусулмон сифатида ўринли ишдир. Аёллар ҳам ҳозирги кунда таксиларга бир ўзлари ўтиришлари жоиз эмас. Сиз динда мустаҳкам бўлинг, ўша ва бошқа гуноҳларингизга чин дилдан Аллоҳга истиғфор айтинг. Аллоҳ касбу-корингизга барака берсин.

(Давоми бор)

Афзал Аброр таржимаси